

**ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ISO 14001:2004 ХАЛҚАРО СТАНДАРТИ ВА
УНИНГ АҲАМИЯТИ**

У.А.Махмонов

ҚарМИИ “Физика ва электроника” кафедраси доценти в.б.

Маълумки, экология ва уни сақлаш соҳасида мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида бутунжаҳон миқёсида кўплаб мамлакатларда жуда йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда ва бу мақсадда кўплаб маблағлар сарфланмоқда. Чунки келажакнинг авлоднинг тақдири, биз яшаб турган Она-ернинг тақдири, унда шаклланган ҳаётнинг бардавомлиги табиатнинг сақланишига, экологик софликни таъминланишига, атроф-муҳитнинг ва тирик мавжудотнинг ўзаро уйғунлигини ва боғлиқлигини сақлаб қолишга боғлиқдир. Экологияни сақлаш масаласи бутунжаҳон миқёсидаги долзарб масалалардан бири бўлганлиги сабабли Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) томонидан бу соҳада ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Бу ташкилот иккинчи жаҳон урушидан кейин ташкил этилган бўлиб, 1947 йил 23 феврал ушбу ташкилотнинг ташкил этилган куни сифатида белгиланган. ISO нинг ташкил этилишдан кўзланган асосий мақсад дунё миқёсида стандартлаштириш ишларини ривожлантиришга кумаклашиш ва турли соҳаларда ҳамдўстликни ривожлантиришдир.

Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) томонидан ISO 14000 сериядаги стандартлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар экология соҳасидаги стандартлар ҳисобланади. ISO 14001 сериясидаги стандартлар ISO 14000 сериясидаги стандартларни очиб берувчи стандартлар ҳисобланади.

ISO 14001 стандартлари - экологик менежмент тизимига талабларни белгилаб берувчи халқаро стандартлар ҳисобланади ва улар бўйича сертификатлаштириш ишлари ўтказилади. Стандартларнинг қўлланилиши асосан ташкилотларда экологик менежмент тизимини яратишга ёрдам бериш ва экологик менежмент тизими самарадорлигини баҳолашнинг ягона критерияларини ишлаб чиқиш мақсадида амалга оширилади.


Экологик менежмент тизими ташкилот (корхона)нинг умумий менежмент тизимини таркибий қисми бўлиб, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда, ташкилот (корхоналар) фаолиятида экологик аспектларни бошқариш учун яратилган ташкилий структура, фаолиятларни режалаштириш, жавобгарликни белгилаш, амалий ишлар, шунингдек процедуралар, жараёнлар ва ресурслар мажмуаси тушунилади.

ISO 14001 стандартлари тарихига назар ташлайдиган бўлсак, 1991 йилда Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) Атроф-муҳит масалалари бўйича стратегик маслаҳат гуруҳини шакллантирди ва унинг олдида халқаро стандартларга заруриятларни ишлаб чиқиш масаласини вазифа қилиб қўйди.

Британия Стандартлар институти (British Standard Istitute) халқаро стандартларга асос сифатида миллий экологик менежменти стандарти BS 7750:1992 ни тавсия этади. 1992 йилнинг охирига келиб Атроф-муҳит масалалари бўйича стратегик маслаҳат гуруҳи халқаро стандартларни ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи Техник қумита (ТС 207) ни ташкил этиш таклифи билан чиқади. 1993 йил июн ойида Техник қумита (ТС 207) шакллантирилди ва унинг таркибига 6 та қумитачалар киритилди. Булар қуйидагилар эди: SC1 қумитаси – Экологик менежмент тизимлари йўналишида; SC2 қумитаси – Экологик аудит йўналишида; SC3 қумитаси – Экологик маркировкалаш (тамғалаш) йўналишида; SC4 қумитаси – Ташкилотлар фаолиятида экологик кўрсаткичларни баҳолаш йўналишида; SC5 қумитаси – Ҳаёт цикли таҳлили йўналишида ва SC6 қумитаси – Атамалар ва тушунчалар йўналишида стандартларни ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Техник қумита ишларининг натижаси улароқ 1995 йилда ISO 14001 Стандарти лойиҳаси чоп этилди. ISO 14001 стандартининг охириги варианты 1996 йил сентябрида нашрдан чиқди. 2004 йилнинг 15 ноябридан янги ISO 14001:2004 ва ISO 14004:2004 сериясидаги стандартлар амалга жорий этилди.

Экологик менежмент тизими (ЭМТ) нинг асосий элементлари қуйидаги келтирилган экологик менежмент тизими моделида акс эттирилган (1-расм).



1-расм. Экологик менежмент тизими модели.

Моделдаги тўртбурчакли шакллар ичида ISO 14001 стандарти бўлимига мос тарзда ЭМТнинг мос элементлари илова қилинган. Моделнинг асосида Деминг цикли, яъни “Plan-Do-Check-Act” (қисқача PDCA) ётади ёки ўзбек тилида ифодаладиган бўлсак “Режа-Амал қилиш-Текшириш-Тузатиш киритиш” ётади.

Умуман олганда ISO 14001:2004 стандарти ишлаб чиқарувчилардан қуйидагиларни талаб қилади:

- экологик сиёсатнинг мавжудлиги;
- экологик менежмент дастурининг мавжудлиги;
- экологик менежмент тизими доирасида фаолиятларни ташкил этиш ва амалга ошириш;
- экологик менежмент тизими доирасида фаолиятлар натижаларини таҳлил қилиш;
- фаолиятлар натижаларини кетма-кет доимий яхшилаб бориш;
- мувофиқликни атроф-муҳитни асраш қонуниятлари талабалари меъёрлари бўйича баҳолаш ва бошқалар.

Экологик менежмент тизимининг асосини ташкил этувчи ISO 14001:2004 стандартининг принциплари қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг атроф-муҳитга салбий таъсир этишини олдини олиш принципи (pollution prevention);
- ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг экологик фаолияти натижаларини кетма-кет, доимий яхшилаб бориш принципи (continual improvement);
- табиати муҳофаза қилиш қонунчилиги талабларига ва корхоналар ўзаро келишилган бошқа талабларга мувофиқлиги принципи.

Умуман олганда ISO 14001:2004 стандартининг амалга жорий этилиши ва унинг асосида ишлаб чиқарувчи корхоналарда экологик менежмент тизимининг жорий этилиши мавжуд экологик муҳитни сақлаш ва уни яхшилашга қаратилган ишларнинг халқаро талаблар даражасида бўлишига замин яратади. Шу сабабли ҳам ушбу стандартларнинг халқаро миқёсда тутган ўрни ва аҳамияти бениҳоя каттадир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Учебное пособие по стандарту ISO 14001:2004 с комментариями. Компания «ДАТ-Консалтинг», Москва, 2011.
2. ISO14001 МЕЖДУНАРОДНЫЙ СТАНДАРТ. Системы экологического менеджмента – Требования и руководство по применению. Второе издание. 15.11.2004.
3. www.iso14001.ru
4. <https://www.iso.org/obp/ui#iso:std:iso:14001:ed-2:v1:ru>